



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№26

2026-yil

1-iyul, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqqa boshlagan



СИЁСИЙ ПУЛЬС

2018 йилдан буён Ўзбекистонда 30 июнь Ёшлар кuni сифатида нишонлаб келинади. Бу сана юртимиз аҳолисининг улкан ва фаол қисми бўлган навқирон авлод вакиллари эришаётган ютуқларни эътироф этиш, улар учун барча жабҳада яратилаётган шарт-шароитларни сарҳисоблаш, давлат ва жамият тараққиётида айнан ёшлар ҳал қилувчи ўрин тутушига жамоатчилик эътиборини қаратишда ўзига хос платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшлар кuni муносабати билан энг фаол йигит-қизларга Президент фармони ва қарорига биноан "Келажак бунёдкори" медали ҳамда "Мард ўғлон" давлат мукофотининг топширилиши юраги чиндан ҳам юрт ишқи билан ёнган, ўз салоҳияти, иқтидори ва меҳнати билан мамлакатимиз, халқимиз тараққиётига улуш қўшаётган ёш шижоат эгаларини янада юксак мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Анъанага кўра, бу йил ҳам байрам арафасида фаол ва ташаббускор ёшларнинг бир гуруҳи юқорида келтирилган медаль ва давлат мукофоти билан тақдирланди.

30 июнь кuni Президент Шавкат Мирзиёев Олимпия шаҳарчасида ёшлар билан учрашув ўтказди.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТАДИГАН КУЧ



БИЛИМ, КАСБ ВА ТЕХНОЛОГИЯ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ УЧТА МУҲИМ УСТУНИ

Дастлаб давлат раҳбари Олимпия шаҳарчасида ташкил этилган махсус кўргазмага ташриф буюрди. Кўргазмада фаол ва изланувчан ёшларимизнинг маҳалла ҳаёти, экология, стартаплар, муҳандислик ва китобхонлик маданиятини юксалтириш каби соҳалардаги лойиҳалари билан танишди, лойиҳа ташаббускорлари билан шахсан мулоқот қилди.

Фарғона туманидаги "Обод" маҳалласи ёшлар етакчиси Исламбек Мухаммаджонов ўз маҳалласида ташкил этган "Обод таълим" ўқув маркази орқали 600 нафар тенгдошини замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитган. У фаолиятини Германиянинг нуфузли компаниялари билан халқаро шартномалар асосида глобал бозорга олиб чиқишга эришганини сўзлаб берди. Ушбу амалий ҳаракат туфайли маҳалла ёшлар ишсизлиги ва жиноятчилигидан холи ҳудудга айлантирилган.

► (Давоми 3-бетда)

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

ҲАР БИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИНСОН МАНФААТИ УЧУН

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қизгин иш фаолияти одатда сиёсий партияларнинг фракцияларида бошланади. Ҳафтанинг ҳар душанба кuni фракцияларда навбатдаги ялпи мажлисининг кун тартибига киритилиши керак бўлган қонун лойиҳалари ва масалалар кўриб чиқилади.



► (Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИНТЕГРАЦИЯ

→ 4

ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ХАЛҚ ИЧИДА, ХАЛҚ БИЛАН БИРГА...

→ 5

ТАҲЛИЛ

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ:

ДУНЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН

→ 6

ТЎСИҚСИЗ МУҲИТ

БАҲС ВА ТАКЛИФЛАР МАРКАЗИДА

Тасаввур қилинг, аравачада ҳаракатланадиган инсон уйдан чиқди. У ҳам бошқалар каби ўқишга, ишга ёки учрашувга шошиляпти. Аммо унинг вақтини йўл эмас, балки енгиб ўтишга мажбур бўладиган тўсиқлар олади. Биргина зина, баланд йўлак чети ёки меъёрга жавоб бермайдиган пандус...

► (Давоми 7-бетда)

МУНОЗАРА МАЙДОНИ

1 YO'NALISH

TO'SIQSIZ MUHIT VA INFRAUZILMA

- Maydoni muhimdir: Ayrim tomonlardagi qurilmalar amalda foydalanish uchun noqulay.
- Ko'plab boksalar va o'tish yo'llari noqulayliklarni keltirib chiqaradi.
- Suveto ob'ektlari va ijtimoiy muassasalarda qulayliklar yetarli emas.
- Infrauzilma boshqa foydalar uchun teng imkoniyat yaratish lozim.
- Axoliy muqadd: Hozirgi birligi sharoit uchun to'g'ri muhit yaratish, jamiyat yillar va avlodlarga obyektlarning foydalanish imkoniyatini ta'minlash.
- Kutayotgan natija: To'g'ri muhit - mustaqil hayot kechirishning muhim sharti.



ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

ҲАР БИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ
ИНСОН МАНФААТИ УЧУН

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Анъанага кўра, бу ҳафта аввалида ҳам фракцияларда бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида турли фикрлар тўқнашди, баҳслар қизгин бўлди.

Дастлаб “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими” фахрий унвонини таъсис этиш, халқаро меҳнат стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш каби қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚИ УСТУВОР

Инсон саломатлиги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бозорларда ва савдо тармоқларида аҳолига тақлиф этилаётган маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлиги ҳамда улар ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ ва ишончли бўлиши нафақат қонун талаби, балки жамиятнинг адолатли ва хавфсиз ҳаёт кечиришга бўлган ҳаққидир. Афсуски, амалиётда айрим ҳолатларда яроқлилик муддати ўтган ёки умуман яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларнинг муомалага чиқарилиши истеъмолчилар саломатлигига хавф туғдириб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларига путур етказмоқда.

Шу боис, мазкур соҳада ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш, қонунбузарликларнинг олдини олиш ва тадбиркорлик субъектларининг масъулиятини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ана шу мақсадларга хизмат қилувчи муҳим ташаббуслардан бири — Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасини яроқлилик муддати ўтган ёки яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларни реализация қилиш ҳамда сотилишининг олдини олишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тўлдиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасидир.

**Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ХДП
фракцияси аъзоси:**

- Амалдаги ҳолат таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда яроқлилик муддати ўтган, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ёки яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларнинг савдога чиқарилиш ҳолатлари учрамоқда. Бундай ҳолатлар нафақат истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқларини бузади, балки аҳоли саломатлиги ва ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдириши мумкин.

Мазкур қонун лойиҳаси айнан ана шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, товарлар муомаласида шаффофлик ва масъулиятни кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг

қонун талабларига риоя этишини таъминлаш ҳамда истеъмолчиларнинг хавфсиз ва сифатли маҳсулотларга бўлган ҳуқуқини янада ишончли ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қонун лойиҳаси билан яроқлилик муддати ўтган, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги белгиланган товарларни ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ва сотиш мақсадида қабул қилганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жарималар миқдорини уч бараваргача ошириш назарда тутилмоқда.

КОММУНАЛ СОҲА
ХОДИМЛАРИ УЧУН
ФАХРИЙ УНВОН
ТАЪСИС ЭТИЛАДИ

Коммунал хўжалиги тизими аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Юртимиз шаҳар ва қишлоқларини обод сақлаш, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти, канализация ва бошқа коммунал хизматларнинг узлуксиз фаолияти ортида минглаб соҳа ходимларининг фидокорона меҳнати мужассам. Улар йилнинг ҳар қандай фаслида, куну тун аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун масъулият билан меҳнат қилади.

Шу нуқтаи назардан, “Ўзбекистон Республикасида хизмат

“

ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН,
“ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ХОДИМИ” ФАХРИЙ
УНВОНINI ТАЪСИС
ЭТИШНИ НАЗАРДА
ТУТУВЧИ ҚОНУН
ЛОЙИҲАСИ СОҲА
ХОДИМЛАРИНИНГ
КЎП ЙИЛЛИК ҲАЛОЛ
ВА САМАРАЛИ
МЕҲНАТИНИ
РАВБАТЛАНТИРИШГА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

кўрсатган коммунал хўжалиги ходими” фахрий унвонини таъсис этишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси соҳа ходимларининг кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнатини раҳбатлантиришга хизмат қилади. Бу тизимнинг нуфузини ошириш ҳамда ёшларни ушбу соҳага жалб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими” фахрий унвонини таъсис этиш бўйича қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида кўриб чиқиш учун тавсия этилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади коммунал соҳа ходимларининг меҳнатини эътироф этиш ҳамда самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, бундай ислохотлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электорати манфаатлари учун хизмат қилиши таъкидланди.

МЕҲНАТ КОДЕКСИГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИЛМОҚДА

Йиғилишда халқаро меҳнат стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 190-сонли конвенциясида меҳнат соҳасида таъйик, зўравонлик ва шахвоний шилқимликка қарши самарали ҳуқуқий кафолатларни жорий этиш давлатларнинг муҳим мажбуриятларидан бири сифатида белгилангани қайд этилди.

Шу сабабли ҳам Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан иш жойидаги шахвоний шилқимликнинг барча шакллари қамраб олган ҳолда, уларни тақиқлашга қаратилган нормаларни миллий қонунчиликка киритиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур қонунчилик таклифининг асосий мақсади меҳнат муносабатларида инсон шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигини таъминлаш экани таъкидланди.

ТОЗА ЭНЕРГИЯ – ДАВР
ТАЛАБИ

Депутатлар йиғилишда ратификация қилиниши назарда тутилган қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Жумладан, 2021 йил 27 ноябрда Ашхобод шаҳрида қабул қилинган “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Тоза энергия маркази уставини ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси депутатлар диққат марказида бўлди.

Лойиҳага кўра, Тоза энергия маркази ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, унинг фаолияти тоза ва қайта тикланадиган энергия, сув ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, кадрлар малакасини ошириш каби йўналишларда олиб борилиши таъкидланди.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзоси А.Нурматов марказ фаолиятининг иқтисодиёт ва аҳоли манфаатларига тааллуқли жиҳатлари, Ўзбекистон томонида қандай мажбуриятлар юкланиши ҳақида саволлар билан муножаат қилди.

Муҳокамалар жараёнида юзага келган саволларга мутасаддилар ва соҳа экспертлари томонидан изоҳлар берилгач, қонун лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишида кўриб чиқиш учун қўллаб-қувватланди.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

САРҲИСОБ

Мамлакатдаги реал демографик ҳолатни, ижтимоий ва иқтисодий вазиятни ўрганиш, шу орқали жойларда янги иш ўринларини, инфратузилма объектларини барпо этишни аниқ ҳисоб-китоблар асосида режалаштириш, бир сўз билан айтганда, миллий сиёсатни ишлаб чиқишда аҳолини рўйхатга олиш тадбири аини заруратдир.

БМТга кўра, аҳолини камида ўн йилда бир марта рўйхатга олиш мақсадга мувофиқ. Зотан, мамлакат фуқароларининг турар жой, уй-рўзгор буюмлари, озик-овқат, кийим-кечак маҳсулотлари, дори-дармонлар, ижтимоий хизматлар, қўйингки, барча ҳаётий эҳтиёжларига оид энг ишончли маълумотларни ушбу тадбир орқали жамлаш мумкин.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳолини рўйхатга олишнинг зарурати ҳақида илк бор 2017 йилдан гапирила бошланди. 2019 йилда мазкур муҳим тадбирни ўтказиш концепцияси тасдиқланди. Даставвал аҳолини рўйхатга олишни 2022 йилда амалга ошириш режалаштирилган эди. Бироқ коронавирус пандемияси сабабли муддат кечиктирилди.

2025 йилнинг 7 октябрида Ҳукуматнинг тегишли қарори билан “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Шундай қилиб, жорий йилнинг 15 январидан 28 февралига қадар аҳолини рўйхатга олиш тадбири республикаимиз бўйлаб юқори даражада ўтказилганидан хабарингиз бор.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ДАСТЛАБКИ
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Рўйхатга олишда аҳолининг 97,3 фоизи қамраб олинди, 2,7 фоизи эса турли сабабларга кўра бу жараёнда иштирок этмади. Таъкидланишича, мазкур кўрсаткич халқаро меъёрлар бўйича нормал ҳолат ҳисобланади. Айрим давлатлар тажрибасида рўйхатга олиш жараёнида қамраб олинмаган аҳоли улуши 10 фоиз ва ундан юқори бўлган ҳолатлар ҳам кузатилган.

Бу ҳақида пойтахтимизда Статистика қўмитаси томонидан аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг дастлабки натижаларига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

Маълум қилинишича, рўйхатга олишнинг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси сони 39 047 321 нафарга етган.

Ушбу рақам 1989 йилдаги рўйхатга олиш натижаларига таққосланса, аҳоли сони ўсиши қарийб 2 баробарга, 1897 йилга нисбатан эса салкам 10 баробарга кўпайгани кўринади.

Матбуот анжуманида кенг жамоатчилик диққатига барча учун бирдек қизиқ бўлган маълумотлар тақдим қилинди. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида яшаётганига бир йилдан ошган 56 минг 860 нафар хорижий фуқаро рўйхатга олинган. Уларнинг 19 минг 300 нафари Тошкент шаҳрида истиқомат қилмоқда.

Рўйхатга олинган хорижий фуқароларни давлатлар кесимида кўрсак, энг кўпи Ҳиндистон (13 минг 312 нафар), сўнг Россия Федерацияси (10 минг 826 нафар), қўшни давлатлар – Қозоғистон (9 минг 425 нафар), Тожикистон (5 минг 722 нафар), Туркменистон (5 минг 347 нафар), Қирғизистон (4 минг 397 нафар) ҳиссасига тўғри келади. Кейинги ўринларни Покистон, Хитой, Туркия, Корея Республикаси фуқаролари банд этган.

Рўйхатга олиш тадбирида юртимиз аҳолисининг 35,7 млн нафари, яъни 91,3 фоизи ўзбек тилини она тили сифатида кўрсатган. “Бу кўрсаткич этник ўзбеклар улушидан 1,9 фоиз пунктга юқоридир”, дейди Статистика қўмитаси раиси Бехзод Ҳамроев матбуот анжуманида.

Аҳолининг миллатлар бўйича таркибида ўзбеклар улуши 89,4 фоизни ташкил этган. Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш харажатларига жами 56,4 миллиард сўм сарфланди. Бу эса кутилганидан анча кам маблагдир.

-Дастлаб аҳолини рўйхатга олишга 140 миллиард сўм кетади деб ҳисоб-китоб қилинганди. Лекин одамлар бу кенг қамровли тадбирда интернетдан фаол фойдаландилар. Биз 20 фоиз аҳоли интернет орқали катнашса, 80 фоизи бўйича уйма-уй юриб маълумот йиғамиз



деб ҳисоблагандик. Лекин интернетдан фойдаланувчилар 82 фоизга чиққани харажатларни катта миқдорда қисқартириш имкониятини берди, – деди қўмита раиси Б. Ҳамроев.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда рақамлаштириш жараёنларининг жадаллашгани, ўн ва ундан катта ёшдаги аҳолининг интернетдан фойдаланиши кўрсаткичи тез ошиб бораётгани (статистикада мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 33 миллиондан зиёд экани келтирилади) рўйхатга олиш тадбирини белгиланган суръатда ва нисбатан кам харажат билан ўтказишда муҳим омил бўлгани шубҳасиз.

Фарида ИБРОҲИМОВА.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТАДИГАН КУЧ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

“Яшил ташаббуслар” жамғармаси координатори, “Green University” магистранти Гулираъно Мамированинг экологик-ижтимоий ва “яшил” инновациялар стартапларини йўлга қўйиш борасидаги ишлари ҳам Президентнинг алоҳида эътиборини тортиди.

Ранг-тасвир танловида “Энг оригинал ғоя” номинацияси ғолиби Одинахон Маъмуржонованинг ижодий интилишлари, жисмоний имконияти чекланганига қарамай, уйда таълим олаётган болалар учун “Уқи ва юксал” лойиҳасини амалга ошириб келаётган Чинора Ғуломованинг матонати юқори баҳоланди. Уларнинг жамиятдаги инклюзив муҳитни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини тизимли қўллаб-қувватлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Кўрғазманинг стартаплар, тадбиркорлик ва касб-хунар майдонида ёшларимизнинг халқаро миқёсда рақобатлаша оладиган интеллектуал салоҳияти намойиш этилди.

Муҳандислик ва инновация соҳасидаги тақдимотлар доирасида талабаларнинг сунъий интеллект ҳамда робототехника йўналишидаги муваффақиятлари қўриб чиқилди.

Ёшларнинг маънавий камолотини, китобхонлик маданиятини юксалтириш мавзуси ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, халқаро гўзаллик ва санъат танловлари совриндори Нигина Фахриддинова ҳамда ёш мусиқачи Амина Авазованинг ютуқлари миллий маданиятимизнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётгани, “Мутолаа” лойиҳаси раҳбари Сирожиiddин Олимов яратган мобиль илова қарийб 5 миллион марта юклаб олингани ва унда ўқилаётган китоблар сони 18 миллиондан ошгани айтиб ўтилди.

Ҳа, бугун ўз илми ва иқтидори билан юрт равнақиға хизмат қиладиган истиқболли лойиҳаларни, ташаббусларни илгари сураётган йигит-қиз борки, ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, бошқача айтганда, орзулар мўъжизалар яратади.

“Бугунги куннинг муваффақият формуласи, эртанги тараққиётнинг мустаҳкам замини учта энг муҳим устунға таянади. Бу – билим, касб ва технология!”, деди Президент ёшлар билан учрашувда.

Албатта, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч – бу илм-фан, таълим-тарбиядир. Ёшларни билимли, касб-хунарли қилсак, илғор муҳандислик ғоялари, стартаплар ва кашфиётларға ундасак, рағбатлантирсак, эртанги кунимиздан хотиржам тортсак, ярашади. Ҳозирги ғоятда мураккаб, таҳликали замонда ягона нажот ҳам шунда.

ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ

Давлат раҳбари ёшлар билан учрашувда янги ва жадал суръатдаги ислохотларнинг илк кунларидан навқирон авлоднинг орзу ва интилишларини рўёбға чиқариш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олингани ва бу борада мутлақо янги тизим яратилганини қайд этди. Айтайлик, ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилди, йигит-қизларнинг ташаббусларини рўёбға чиқариш, бандлиги, таълими, касб-хунар эгаллаши ва тадбиркорлик бошлаши учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни “Ёшлар куни” этиб белгиланиб, вазирлик ва идоралар ёшлар муаммоларини ўрганиш ҳамда уларға ечим топишға сафарбар этилди.

Маълумотларға кўра, ўтган қисқа даврда “Ёшлар дафтари” орқали 1,5 миллион нафар ёшнинг муаммоси ҳал қилинган. Ёш тадбиркорлар сони 5 қарра кўпайиб, 287 мингдан ошган.



Хорижий тилларни интенсив ўрганаётган йигит-қизлар сони 3,5 миллион нафарға етиб, иқтидорли ўқувчи ва талабалар нуфузли фан олимпиадаларида 434 та, ёш спортчилар халқаро мусобақаларда 2 минг 245 та медални қўлга қиритган.

Тадбирда ёшлар манфаатларига йўналтирилган қатор янгиликлар тилға олинди. Таъкидланишича, эндиликда ҳар йили 500 минг нафар ўғил-қизни замонавий

“АЛБАТТА, МАМЛАКАТНИ ҚУДРАТЛИ, МИЛЛАТНИ БУЮК ҚИЛАДИГАН КУЧ – БУ ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДИР. ЁШЛАРНИ БИЛИМЛИ, КАСБ-ХУНАРЛИ ҚИЛСАК, ИЛҒОР МУҲАНДИСЛИК ҒОЯЛАРИ, СТАРТАПЛАР ВА КАШФИЁТЛАРҒА УНДАСАК, РАҒБАТЛАНТИРСАК, ЭРТАНГИ КУНИМИЗДАН ХОТИРЖАМ ТОРТСАК, ЯРАШАДИ. ҲОЗИРГИ ҒОЯТДА МУРАККАБ, ТАҲЛИКАЛИ ЗАМОНДА ЯГОНА НАЖОТ ҲАМ ШУНДА.

касбға ўқитишға қаратилган “Келажак билимлари экотизими” йўлга қўйилади. Ўқув марказлари ташкил этиш истағидаги ёшларға ер ва давлат объектлари имтиёзли шартларда берилади, зарур инфратузилма давлат ҳисобидан яратилади, марказларни қуриш ва жиҳозлаш учун кредит ставкаси компенсация қилинади. Қўлида касби бор, лекин янги кўникмаларни эгалламоқчи бўлган ёшлар учун “касб ваучери” жорий этилади. Ҳар йили 50 минг нафар ёшнинг замонавий касбларни ўрганиш харажатлари фоизсиз ссуда ҳисобидан қопланади. Эҳтиёжманд оилалардаги 85 минг нафар ишсиз ёшға хусусий ўқув марказларида касб эгаллаши учун бепул ваучер берилади.

Техникумларда хусусий сектор иштироки кенгайтирилиб, лицензия талаблари соддалаштирилади. Янги ўқув йилидан хусусий техникумларға ҳам касбға ўқитиш бўйича давлат гранти ажратилади. Халқаро касб танловлари ғолиблари ва уларнинг устозлари пул мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Хорижий тилларни мукаммал биладиган 650 мингдан зиёд ёшлар салоҳиятидан мамлакатимизнинг бой тарихи, маданий мероси, туризм ва экспорт имкониятларини халқаро майдонда тарғиб қилишда фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди. Шу мақсадда “рақамли контент” платформаси ишға туширилиб, ҳар йили 20

миллиард сўмдан ажратилади.

Хорижда таълим олаётган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳам янги тизим яратилади. Етакчи хорижий олийгоҳларда ўқиётган 14 мингдан ортиқ йигит-қиз таътил даврида юртимиздаги вазирлик, ҳокимлик, давлат ва хусусий компанияларда амалиёт ва стажировка ўташи учун рақамли мулоқот платформаси ишға туширилади.

Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган, ҳарбий хизмат, миграция ва жазони ўтаб қайтган, жисмоний имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш учун “Кафолатланган биринчи қадам” пакети жорий этилади. “Устоз – талаба” дастури асосида уюшмаган ёшларға кўмаклашган талабалар ҳам рағбатлантирилади.

Шунингдек, “Ёшлар мини-франшизаси” дастури ишға туширилади. Маҳаллий брендлар франшизасини оладиган йигит-қизларға Ёшлар тадбиркорлиги жамғармасидан 300 миллион сўмғача фоизсиз ссуда ажратилади.

Ёшлар учун касб ва тил ўрганиш, ишға жойлашиш, тадбиркорлик бўйича хизматлардан “ягона дарча” тамойили асосида фойдаланиш имконини берадиган Ёшлар хаблари ташкил этилади. Ушбу тажриба Сурхондарёдан бошланиб, босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади.

Давлат бошқарувида ёшларға ишончни кучайтириш мақсадида 5 та йўналишда “ТОП-100” дастури амалға оширилади. Ғолиблар мукофотланиб, раҳбарлик лавозимларига тавсия этилади. Ҳар бир вазирлик ва тармоқ ўз йўналишида иқтидорли ёшларни танлаб, халқаро ташкилотларға стажировкаға юборади. Йилиға 2 минг нафар ёшни шундай стажировкаларға юбориш режаси ишлаб чиқилади.

Инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам янги вазифалар белгиланган. Яъни энди ҳар бир вазир, тармоқ раҳбари ва ҳоким “1 мингта масалаға – ёшлардан 1 мингта ечим” лойиҳасини ишға туширади. Ёшлар ишлари агентлиги бизнес, ахборот технологиялари ва креатив иқтисодиёт йўналишидаги 100 та энг яхши лойиҳаға 1 миллиард сўмғача инвестиция киритади.

Ахборот технологиялари ва сунъий интеллект соҳасида ёшлар учун янада кенг имкониятлар яратилади. “Рақамли ҳукумат” марказида биринчи суперкомпьютер кластери ишға туширилди, келгуси йил унинг қуввати 3 қарра оширилади. Жорий йилда 20 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилади. Ёшлар ушбу имкониятлардан бепул фойдаланиб, ҳудуд ва тармоқлардаги муаммоларға ечимлар ишлаб чиқади.

Янги АТ парклар барпо этилиши ҳисобидан 20 мингдан зиёд йигит-қиз учун юқори даромадли иш ўринлари яратилади. “Менинг биринчи компьютерим” дастури орқали эҳтиёжманд оилалардаги

10 минг нафар ёшға ноутбук хариди учун ёрдам кўрсатилади.

АТ ва сунъий интеллект йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун “дуал таълим” кенгайтирилади. “Муҳаммад ал-Хоразмий” номидаги давлат стипендияси ҳамда иқтидорли қизлар учун “Муҳандис қизлар” стипендияси таъсис этилади. Халқаро олимпиадалар ғолибларига берилаётган 1 миллиард сўмлик рағбат сунъий интеллект бўйича халқаро олимпиада ғолибларига ҳам татбиқ қилинади.

Ёшлар қалбида миллий руҳни мустаҳкамлаш, рақамли маконда миллий контентни кўпайтириш мақсадида АТ паркларда компьютер ва мобиль ўйинлар яратувчилари учун инкубацион марказлар очилади.

Яратилаётган шундай бекиёс имкониятлардан ҳеч бир йигит-қиз четда қолмаслиги учун “Ватан меҳри – ижтимоий ташаббуслар” танлови, ижтимоий хавф гуруҳидаги болаларни қўллаб-қувватлашға қаратилган “Қанот” лойиҳаси йўлга қўйилади. “Ёшлар ташаббуслари марафони”да илгари сурилган ғояларни амалий лойиҳаға айлантириш учун “Ташаббуслар офиси” ташкил этилади.

Учрашувда ёшлар келажаги ва миллат генофондиға катта таҳдид саналган гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларға буткул барҳам бериш учун барча чоралар кўрилиши айтилди. Ота-оналар фарзанд тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам эътиборли ва масъулиятли бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Ўз навбатида иштирокчи ёшлар ҳам ўз тақлиф ва ташаббусларини билдирди.

СЎЗ – ХДПНИНГ ФАОЛ ЁШЛАРИГА!



Камола ИСМАТОВА
Ҳамидулла қизи, Божхона қўмитаси Матбуот хизмати мутахассиси, Ўзбекистон ХДП “Ёшлар қаноти” фаоли:

– Юртимизда Ёшлар куни кенг нишонланаётгани бежиз эмас. Чунки бугун Ўзбекистон тараққиёти, эртанги куни ва халқимиз фаровонлиги ёшлар салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда амалға оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг марказида ҳам айнан ёшлар манфаатлари турибди.

Янги Ўзбекистонда ёшларға бўлган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишиға айланди. Энг муҳими, бугунги ёшлар давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнида ҳам тобора фаол иштирок этмоқда.

Мен ҳам давлат тизимида фаолият юритаётган ёш мутахассис сифатида бизға билдирилаётган юксак ишонч ва яратилаётган имкониятларға жавобан чўқур масъулиятни ҳис қиламан.

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига қўшилганим мен учун нафақат шараф, балки ўз олдимға янада катта мақсадлар қўйишға туртки берди, десам адашмайман. Ушбу партия аъзоси сифатида ижтимоий адолат, инсон манфаатлари ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги эзгу ғоялар рўёбда фаол иштирок этишға интиламан. Шу билан бирға, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси Матбуот хизматидаги фаолиятим орқали давлат органлари ва жамият ўртасидаги очиқ мулоқотни мустаҳкамлаш, амалға оширилаётган ислохотларни ҳолис ва тезкор ёритиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ишончим комилки, билимли, фидойи ва ватанпарвар ёшлар сафи кенгайгани сари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти янада жадаллашади.

Халқ ва Ватан учун бор куч ҳамда билимимиз билан хизмат қилишдан асло тўхтамайлик!



Хўршидбек ТОЛИБЖОНОВ
Ҳаётжон ўғли, Халқаро Нордик университети магистратура факультети декани ўринбосари, Ўзбекистон ХДП “Ёшлар қаноти” фаоли:

– Кўпинча ўзимға бир савол бераман: бундан ўн йил аввал аудиторияға кирган талаба билан бугунги талабанинг ўртасида қандай фарқ бор? Жавоб доим битта нарсани эслатади – ўзгарган бу фақат ёшлар эмас, балки уларнинг олдида очилган эшиклар сонидир. Ва ана шу эшикларни очадиган қалит – таълим.

Янги Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги сиёсатида ёшлар тасодифий эмас, балки бутун давлат стратегиясининг марказида турган бош мавзуга айланди. Аҳолимизнинг катта қисмини ёшлар ташкил этган экан, уларға сармоя киритиш келажакка сармоя киритиш демакдир. Буни энг аниқ кўрсатадиган соҳа эса, табиийки, таълим.

2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси таълим соҳасини ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берди. Ўша пайтда олий таълим билан қамров даражаси жуда паст, атиги 9 фоиз атрофида эди. Яъни ўнта ёшдан тўққизтаси диплом орзуси билан қолиб кетарди. Орадан ўтган йиллар бу манзарани тубдан ўзгартирди. Бугун мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони 200 дан ошди. Ёшларнинг олий таълим билан қамрови эса бир неча баробарға ўсди. Энг қувонарлиси, ўзгартишлар фақат сонда эмас, балки таълим сифатида ҳам яққол бўй кўрсатмоқда. Хорижий университетларнинг филиаллари очилди, давлат олий таълим муассасаларига молиявий ва академик мустақиллик берилди, қабул жараёни шаффофлашди, хотин-қизларнинг олий таълимға қамрови тарихий юқори даражаға кўтарилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ёшлар куни – бу фақат байрам эмас, балки ҳисоб берадиган санадир. Давлатимиз раҳбари куни кеча ёшлар билан учрашувда “Аждодларимиз инсоният тараққиёти учун қандай буюк ишлар қилган бўлса, сизлар Янги Ўзбекистонда янги уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган куч бўлишингиз керак!” дея алоҳида таъкидлади. Мана шундай умид ва ишончға мўносиб бўлиш ҳар биримиз учун виждон, ғурур ишиға айланмоғи керак.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

МУНОСАБАТ

ИНВЕСТИЦИЯ ВА
ИНТЕГРАЦИЯ

Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистоннинг муҳим инвестиция платформаси ва Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик ишбилармонлик тадбирларидан биридир. У хорижий инвесторлар, халқаро молия ташкилотлари ва давлат органлари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот майдони ҳосил қилмоқда.

Форум бу йил ҳам юқори даражада ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев 16 июнь кунги Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Тожикистон Бош вазири Қохир Расулзода билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон – Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Икки томонлама шерикликнинг барча йўналишларидаги юқори суръат мамнуният билан қайд этилди. Жумладан, товар айирбошлаш ҳажми ўсиб бормоқда, энергетика, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги кооперация лойиҳалари фаол босқичда. Ўзбекистон етакчиси ҳудудлар даражасидаги амалий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ҳамда янги ташаббусларни, жумладан, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувлар

доирасида ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлади.

Жорий йилги форум ўз кўлами бўйича рекорд кўрсаткичларни қайд этди. 8 000 дан ортиқ умумий иштирокчи, 100 дан зиёд хорижий давлат вакиллари, 3 000 дан ортиқ хорижлик делегатлар ва инвесторлар, 42 триллион доллар — форум иштирокчилари бўлган компаниялар ва молиявий институтларнинг умумий активлари (бу глобал ЯИМнинг қарийб 38% ини ташкил этади). 200 дан ортиқ хорижий ОАВ вакиллари қаторида нуфузли Bloomberg, Reuters, BBC, Euronews ҳам тадбирни бевосита кузатиб, тафсилотларини ёритиб боришди.

Муҳим тадбирлар қаторида

Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистон ва Тожикистон учун нафақат икки томонлама шартномалар имзолаш, балки глобал инвесторлар қаршисида яхлит ва жозибадор минтақавий бозор сифатида намоён бўлиш майдониға айланди.

энг йирик инвестициявий стратегик йўналишлар муҳокама қилинди. Инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий бизнес учун қулай шaroитлар яратиш масалалари кўриб чиқилди. 12 000 квадрат метр майдонда 100 дан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг салоҳияти намойиш этилди. Ишбилармонлар ва давлат ташкилотлари ўртасида шартномалар имзолаш учун юзлаб учрашувлар ташкил қилинди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатларини янги, амалий босқичға олиб чиқишда муҳим мулоқот майдони бўлиб хизмат қилмоғи аниқ. Форум доирасида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича муҳим келишувларға эришилди. Форумнинг икки томонлама ҳамкорликдаги асосий аҳамияти қуйидаги йўналишларда намоён бўлади.

Биринчидан, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва сув-энергетика масалалари олий даражада муҳокама қилинди. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишлари кун тартибини янги лойиҳалар билан бойитишға келишиди.

Иккинчидан, саноат ва тармоқлараро кооперация доирасида икки давлат энергетика, саноат, қишлоқ

ва сув хўжалиги соҳаларидаги йирик кооперация лойиҳаларини фаол босқичға олиб чиқди. Форум икки давлат тадбиркорларига хорижий капитал ва технологияларни жалб қилган ҳолда учинчи давлатлар бозори учун қўшма маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини бермоқда.

Учинчидан, минтақавий транспорт ва логистика интеграцияси янада чуқурлашади, транспорт йўлақлари, хусусан, минтақавий транзит имкониятлари Тожикистон маҳсулотларининг Ўзбекистон орқали жаҳон бозорларига чиқишини осонлаштиради. Икки мамлакат чегара ҳудудларида ташкил этилаётган савдо-логистика марказларига хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича тақдимотлар ўтказилди.

Тўртинчидан, энергетика ва "яшил" иқтисодиёт соҳасида тадбир доирасида трансчегаравий дарёлар салоҳиятидан фойдаланиш ва йирик гидроэнергетика лойиҳалари (масалан, Зарафшон дарёсидаги қўшма сув иншоотлар) бўйича молиявий шериклар излаш имконияти кенгайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичға кўтарилди. Бу, аввало, очиклик, ўзаро ҳурмат ва ишончға асосланган минтақавий сиёсат самарасидир. Шу билан бирға, ўзаро савдо ҳажмини

2 миллиард долларға етказиш бўйича белгиланган мақсадлар иқтисодий ҳамкорликнинг етук салоҳиятини намоён этмоқда. Саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва туризм каби соҳаларда амалға оширилаётган қўшма лойиҳалар бу жараёни янада жадаллаштирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистон ва Тожикистон учун нафақат икки томонлама шартномалар имзолаш, балки глобал инвесторлар қаршисида яхлит ва жозибадор минтақавий бозор сифатида намоён бўлиш майдониға айланди.

Шу нуқтаи назардан, йирик иқтисодий мулоқот платформаси икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янги босқичға олиб чиқиш ҳамда халқаро майдонда ҳамкорлиқни кенгайтиришға хизмат қилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро ишончға асосланган ҳамкорлиги минтақавий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, хавфсизликни таъминлаш ва умумий тараққиётға янада кенг йўл очади.

Имомназар ТУРСУНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,

Бахтиёр АХМАДЗОДА, Тожикистон Республикаси Мажлиси Олининг Мажлиси намояндагон депутати.

ҚЎЛДАГИ ҚАЛАМ, ҚАЛБДАГИ ЖУРЪАТ
– ЖУРНАЛИСТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Азиза СОЛИЕВА, "Бувайда кўзгуси" газетаси бош муҳаррири, "Меҳнат шўхрати" ордени соҳибаси, ЎзХДП аъзоси.

Ўттиз беш йилдан буён "Бувайда кўзгуси" газетасида ишлаб келаман. Мустақилликнинг илк йилларидан ҳозирға қадар бўлган давр кўз ўнгимдан ўтар экан, халқимизнинг, ҳар қаричи олтинға тенг юртимизнинг бу кунларға осонликча етиб келмаганини, ҳар бир соҳа ва тармоқ, хусусан, журналистика ҳам ўзига яраша паст-баландликларни, муттасил ўзгаришларни бошидан кечирганини хаёлдан ўтказаман.

Ўтиш давридаги қийинчиликларнинг энг қаттиқ зарбасидан оммавий ахборот воситалари ичида кўпроқ матбуот азият чекди, назаримда. Айниқса, маҳаллий газеталарнинг маълум қисми

иқтисодий чорасизлик билан юзма-юз келиб, буткул фаолиятини тўхтатди. Бир пайтлар бир неча минг ададда обуначилар қўлиға етиб борган туман ва шаҳар газеталари, гуркираб иш қайнаган, ҳамкасбларимизнинг ижод қилиши ва рўзғор тебратиши учун муҳим макон бўлган тахририятлар бирин-кетин ёпилгани ҳали-ҳамон ёдимизда.

Аммо журналистика, хусусан, матбуот шундай соҳаки, унга ҳар қандай даврда ва ҳар қандай жамиятда эҳтиёж сусаймайди. У ислохотларнинг нечоғлик инсоний ва демократик қадриятларға муносиблигини баҳолайдиган кўзгү бўлиши баробарида кишиларнинг ахборотға, янгиликка талабини қондириб келади. Тўғри, бугун интернет, ижтимоий тармоқлар анъанавий ОАВни, инчунун, газеталарни ҳам "сиқиб" чиқараётгани ҳақида унда-бунда фикрлар янграб туради. Бироқ шу соҳада узок йиллардан буён ишлаб келаётган мутахассис сифатида айтаманки, бу фикрлар ҳақиқатдан анча йироқ. Инсонларнинг газета-журналларни ўқишға интилиши асло йўқолмайди. Фақат бу матбуот нашрлари халқдан узоқлашмай, реал ҳаётни ўз саҳифаларида акс эттира олиши, жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар билан қадам-бақадам ривожланиши шарт. Акс ҳолда у ўқувчилар диққатини тортмайдиган, шунчаки варақлаб қўйиладиган нашр бўлиб қолади. Бундай

нашрларнинг эртаси йўқ!

Бизнинг "Бувайда кўзгуси" газетамиз Фарғона вилоятида энг кўзға кўринган, адади кўп ва иқтисодий жиҳатдан ҳам бақувват маҳаллий нашрлардан ҳисобланади. Ўн беш йилдан буён газетанинг бош муҳаррири бўлиб ишлаб келаман. Яқин йиллар ичида тахририятимиз учун замонавий бино қуриб берилди. Бугун тахририятимизда эркин ижод қилиш, илғор талаблар даражасида журналистик фаолиятни юритиш

Ўн беш йилдан буён газетанинг бош муҳаррири бўлиб ишлаб келаман. Яқин йиллар ичида тахририятимиз учун замонавий бино қуриб берилди. Бугун тахририятимизда эркин ижод қилиш, илғор талаблар даражасида журналистик фаолиятни юритиш учун ҳамма қулайликлар муҳайё.

учун ҳамма қулайликлар муҳайё.

Тахририятимизнинг иккинчи қаватида ёшлар учун ташкил қилинадиган доимий ижодий мулоқотлар журналистика соҳасида "Устоз-шогирд" анъаналари бардавомлигига хизмат қилмоқда. Бу табарруқ маскан бувайдалик каттаю кичик ҳамкасбларимиз учун самимий гурунглар, ижодий машваратларға қулай манзил ҳамдир. Тахририятда ҳамиша кизғин баҳс-мунозараларнинг устидан чиқасиз. Ҳақиқатни ёзишдан чўчимайдиган,

ҳудуддаги, соҳалардаги муаммо ва иллатларни очик келтириб, кескир сўзи билан одамлар ҳаётини яхшилашға ўз ҳиссасини қўшишни ҳаётининг маслаги деб билган қалам аҳли йиғилган бу ерда.

Тахририятимизға туманнинг узок-яқин қишлоқларидан муаммосига ечим излаб келувчилар ҳам истаганча топилади. Жамоамиз эса бу инсонларнинг оғирини енгил қилиб, уларни ўйлантираётган, ташвишға солаётган камчилик

ва долзарб масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, холислик тарозисига қўйган ҳолда ёритишға ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам бувайдаликларнинг "Бувайда кўзгуси"ға ишончи, ҳурмати баланд.

Баъзан тўғри сўзнинг тўқмоғи ҳам бўлади. Лекин журналистика касбига садоқати мустаҳкам ижодкорнинг ҳеч ким қўлидаги қаламини, қалбидаги журъатни тортиб ололмайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан

мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилаётган ижодий сафарларда кўп бўляпман. Янги Ўзбекистондаги яхши ўзгаришлар таъсири ўларок миллий журналистикамиз янги ривожланиш босқичига чиқаётгани, жойларда ҳамкасбларимиз учун ҳар бир журналистнинг орзуси бўлган имкониятларни яратиш жараёни бир кун ҳам ҳаракатдан тўхтамаётганиға гувоҳман.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунги муносабати билан Президентимиз фармониға кўра, бир гуруҳ фаол, фидойи ҳамкасбларим қаторида мен ҳам юксак давлат мукофотиға муносиб кўрилганим – бу янада улкан масъулият демакдир.

Отам Турғунбой Ўктамов Бувайданинг эл таниган миришкорларидан бири эди. Биз, етти фарзанд тўғрисўзлиқни, уddaбуронлик ва тиниб-тинчимаслиқни отамиздан мерос қилиб олганмиз. Бугун ҳаётимда неки яхшилиқ бўлса, неки нуқтлар бўлса, бари отам берган тарбиянинг меваси, тўғри фикр, тўғри сўз ва тўғри амални касбий фаолиятимда бош шior деб билганим натижаси, деб ўйлайман.

Барча ҳамкасбларимиз, соҳамизға кириб келаётган юрағида ўти бор ёшларимиз бугунги шиддатли давр билан тенгма-тенг ривожланишдан тўхтаб қолмасликларини, журналистика шарафи ва масъулиятини бир он ҳам унутмасликларини истаيمان.

ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ХАЛҚ ИЧИДА, ХАЛҚ БИЛАН БИРГА...



Бу шунчаки учрашувлар эмас. Бу ишончни оқлаш, одамлар дардини тинглаш ва ҳар бир мурожаат ортида турган инсон тақдирига бефарқ бўлмаслик масъулиятидир. Халқнинг овози эшитилган жойда ечим топилади, самимий мулоқот бўлган жойда эса ишонч мустаҳкамланади.

Ҳар бир айтилган фикр ортида бир оила умиди, ҳар бир мурожаат ортида эса инсон тақдири туради. Чин хизмат баланд минбарларда эмас, халқ орасида, уларнинг дардини тинглаб, муаммоларига ечим топишга интилишда намоён бўлади.

Ишонч сўз билан эмас, амалий иш билан қозонилади. Халқнинг дардини тинглаш эса хизматнинг энг муҳим мезонидир. Ҳар бир мурожаат эътиборда, ҳар бир муаммо ечим сари йўналтирилганда депутатлик масъулияти ўз мазмунини топади.

Маълумки, ҳар оининг охирги ҳафтасида Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан бевосита мулоқот қиладилар. Бу жараён шунчаки режавий ташриф эмас, балки аҳолининг дарду ташвишларини тинглаш, уларни қийнаётган муаммоларни жойида ўрганиш ва ечим топишга қаратилган амалий мулоқот майдонидир.

Депутатлар ҳудудларда фуқаролар билан очик учрашувлар ўтказиб, ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишади, маҳаллалардаги мавжуд масалаларни ўрганади ҳамда келиб тушган мурожаатлар юзасидан масъул идоралар билан биргаликда чоралар белгилайди. Бу эса халқ билан мулоқотни мустаҳкамлаш, депутатлик фаолиятининг очиклиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

МУАММОЛАР ЖОЙИГА ЧИҚИБ ЎРГАНИЛМОҚДА

Фракциямиз аъзоси Фирдавс Шарипов Сурхондарё вилояти Денов туманидаги "Оқтом", "Чамбил", "Янгиқишлоқ", "Навбахор", "Хайрабод", "Ўрта қишлоқ" ҳамда "Меҳр-оқибат" маҳаллаларида бўлиб, аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказди. Учрашувларда фуқароларни қийнаётган долзарб масалалар, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, коммунал

хизматлар, бандлик, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига оид таклиф ҳамда мурожаатлар тингланди.

Шунингдек, 29-, 46- ва 41-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотлари, 6- ва 10-сонли оилавий поликлиникалар фаолияти ўрганилди. Ташрифлар давомида муассасаларда яратилган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган хизматлар сифати, мавжуд муаммо ва эҳтиёжлар атрофлича кўздан кечирилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Бу каби учрашув ва ўрганишлар аҳоли билан очик мулоқотни мустаҳкамлаш, уларнинг мурожаатларига амалий ечим топиш ҳамда ҳудудлардаги долзарб масалаларни парламент назорати доирасида ҳал этишда ўз самарасини беради.

БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Иба Наризова Навбахор туманидаги "Кескантерак" маҳалласида янги ташкил этилган 8-сон оилавий поликлиника фаолиятини ўрганди.

Ўрганиш давомида муассасанинг моддий-техник базаси, замонавий лаборатория хоналари, аҳолига қулайлик яратиш мақсадига жорий этилган онлайн навбат тизими ҳамда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати билан танишилди.

Шунингдек, поликлиникада замонавий тиббий жиҳозлардан самарали фойдаланиш,

профилактик тиббий кўрикларни ташкил этиш ва беморларга хизмат кўрсатиш жараёни атрофлича кўздан кечирилди.

Тиббиёт ходимлари билан мулоқот чоғида соҳада мавжуд айрим муаммо ва эҳтиёжлар, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш, рақамли хизматлардан самарали фойдаланиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштиришга оид таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилди.

Депутат томонидан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, аҳоли учун сифатли ва замонавий тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш доимий эътибор марказида бўлиши таъкидланди.



КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАВСИАЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзоси Муқаддас Ўразалиева Жиззах вилоятида бўлиб, сайловчилар билан очик мулоқотлар, ижтимоий соҳа объектларида ўрганишлар олиб борди.

Хусусан, депутатимиз Зарбдор туманидаги 1-ва 2-сон давлат мактабгача таълим ташкилотларига бориб, муассасаларда яратилган шароитлар, тарбияланувчиларнинг

овқатланиш жараёни, озиқ-овқат маҳсулотларининг сақланиш ҳолати, санитария-гигиена талаблари ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини кўздан кечирди.

Ўрганиш жараёнида 1-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти ижобий баҳоланди. Лекин 2-сонли муассасада эса озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва фойдаланишда санитария талабларига тўлиқ риоя этилмаётгани, шунингдек, айрим хавфсизлик қоидалари бузилганлиги аниқланди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилиб, уларни қисқа муддатларда бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг депутатимиз "Ойбек" маҳалласида аҳоли вакиллари билан очик мулоқот ўтказди. Мулоқот давомида фуқаролар томонидан ноқонуний қурилмалар масаласида, қолаверса, кўчаларни ёритиш тизимини яхшилаш ҳамда ичимлик суви таъминотидаги узиллишлар бўйича мурожаатлар бўлди.

Депутатимиз ҳар бир мурожаатни ҳал этиш учун тегишли мутасаддилар билан боғланиб, уларнинг ечими борасида фикр алмашди. Қўтарилган масалалар юзасидан депутатлик назорати ўрнатилганини билдирди.

МАҲАЛЛА "ЕТТИЛИГИ" БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Одилжон Эминов халқ депутатлари Ангор тумани Кенгашининг 10-Ат-Термизий сайлов округида бўлиб, "Ўзбекистон" маҳалласида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Унда халқ депутатлари Ангор тумани Кенгаши қотибияти мудри Жамшид Раҳимқулов ҳам иштирок этди.

Учрашув давомида маҳалла "еттилиги" билан ташкил этилган очик мулоқотда аҳоли фаровонлигини ва бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳитни яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Хусусан, маҳалла хотин-қизлар фаоли томонидан жорий йил бошида ишсиз бўлган 34 нафар хотин-қиздан бугунги кунда 4 нафари иш билан таъминланмагани маълум қилинди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатилаётган манзилли ёрдамлар ҳамда маҳаллада жинойatchилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишлари юзасидан ахборот берилди. Маҳалланинг бугунги кунда "яшил ҳудуд" сифатида эътироф этилаётгани таъкидланди.

Мулоқот якунида аҳоли фаровонлигини янада ошириш, бандлиқни таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзоси Ирина Токарева Шайхонтохур туманидаги 44-сонли оилавий поликлиниканинг моддий-техник базаси, тиббий ускуналарнинг замонавий талабларга қанчалик жавоб бериши, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати билан яқиндан танишди.

Шунингдек, тиббиёт ходимлари ва шифохонадаги беморлар билан бевосита мулоқот қилиниб, уларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва таклифлари диққат билан тингланди.

Ирина Токарева поликлиника фаолиятини янада ривожлантириш, замонавий тиббий хизматлар турини кенгайтириш ва аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларида муассаса масъуллари билан фикр алмашиб, аниқланган айрим камчиликларни бартараф этиш борасида таклифларини билдирди.

Ўз мухбиримиз.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ЖИЗЗАХ: ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан "Соғлом жамият – кучли давлат" шиори остида Шароф Рашидов туманида навбатдаги бепул тиббий кўрик ташкил этилди. Тадбир "Соғлом авлод учун" хайрия фонднинг Жиззах вилоят филиали ҳамкорлигида ўтказилди.

Тиббий кўрикда "Ёшлик", "Каттақишлоқ" ва "Хайробод" маҳаллалари аҳолиси, жумладан, камбағаллик реестрида турган ногиронлиги бўлган фуқаролар ва ногирон фарзанди бор оилалар, боқувчисини йўқотган оилалар, беморлар, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар, кексалар ҳамда ўсмир қизлар иштирок этди.

Кўрик ақунларига кўра, шифокорлар тавсияси асосида 75 турдаги дори-дармонлар ҳамда ҳомиладор аёллар учун витаминлар бепул тарқатилди. Шунингдек, ётиб қолган беморлар ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан патронаж ҳамширалар билан биргаликда манзилли хабар олинди.

ФАРҒОНА: АҲОЛИ МУРОЖААТИГА ЕЧИМ

Халқ депутатлари Данғара туман Кенгашидаги депутатимиз З.Абдувалиевга "Шопўлат" маҳалласи фаолларидан маҳалланинг ички кўчалари ҳаракатланиш учун ноқулай ва таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани юзасидан мурожаат келиб тушган эди.

Депутат мазкур мурожаатни жойига чиқиб ўрганди ва ҳудуддаги йўл инфратузилмаси талабга жавоб бермаслиги, бу эса транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланишига



тўсиқ бўлаётганига гувоҳ бўлди.

Депутатимиз ушбу масала юзасидан масъул идораларга сўров юборгач, вазият ижобий томонга ўзгарди. Айни пайтда маҳаллада ички йўللарни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

СУРХОНДАРЁ: ШАРОИТЛАРНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Халқ депутатлари Бандихон туман Кенгаши депутатлари И.Халматов ва Н.Алламуратовалар томонидан Қалдирғоч маҳалласида жойлашган 5-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганиш давомида муассасада яратилган шарт-шароитлар, таълим-тарбия жараёни, болалар хавфсизлигини таъминлаш ҳолати кўздан кечирилди. Шунингдек, педагог ходимлар билан мулоқот ўтказилиб, таълим сифатини ошириш ва мавжуд шароитларни янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўрганиш якунида аниқланган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилиб, болалар учун муносиб таълим-тарбия муҳитини яратиш муҳимлиги таъкидланди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: ШИФОХОНА ТАЪМИРИГА 350 МИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими авария ҳолатида эканлиги сабабли жорий йилнинг 28 февралда санитария-эпидемиология мутахассислари томонидан бўлимнинг ишлашига тақиқ қўйилган, натижада аҳолига ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатишда муаммолар кузатилаётган эди.

Бу масалада аҳоли вакиллари халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги депутатимиз Шахноза Абдурахимовага ёрдам сўраб мурожаат қилишди. У мурожаатни ўрганди ва масъул ташкилотлар билан боғланиб, муаммога ечим излади.

Депутатимиз Ипотека банкнинг Яккасарой филиалига бўлим таъмири учун маблағ сўраб депутат сўрови юборди. Натижада банк томонидан болалар бўлимини таъмирлаш учун 350 миллион сўм пул маблағи ажратилди.

Депутатларимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва ўз вақтида бўлишига хизмат қилади.

ТАҲЛИЛ

Инклюзив жамият тушунчаси замонавий ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Унинг асосий мазмۇни ҳар бир инсоннинг, ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ёки руҳий ҳолатидан қатъи назар, жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиши ва ўзининг муносиб позициясини билдириши учун тенг имкониятлар яратишдан иборат.

Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги сиёсий тенденция давлатнинг фақатгина иқтисодий қудрати ва молиявий ўсиш суръатлари билан эмас, балки аҳолининг барча қатламлари учун яратилган имкониятлар билан ҳам баҳоланмоқда.

Бу борада “**Инклюзив жамият модернизацияси**” тамойили асосида мамлакатни янада тараққий эттириш ва ҳар бир инсоннинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш муҳим.

Инклюзия ва ижтимоийликнинг ўзаро боғлиқлиги хусусидаги фикр-мулоҳазаларимизни **хорижий мамлакатлар тажрибаси** билан давом эттирсак.

Таҳлил жараёнида Япония, Швеция, Сингапур ва Германия каби дунёнинг қатор ривожланган давлатларида инклюзив жамият, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари учун яратилган шароитлар, жорий этилган имкониятлар ва инфратузилманинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётий фаолияти учун мослаштирилганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, **кунчиқар мамлакатда** биргина қурилиш лойиҳаларининг ўзи аввал-бошданок аниқ тамойилларга таянган универсал дизайн асосида амалга оширилишини кўриш мумкин.

Жумладан, **тенг фойдаланиш** тамойилига кўра, инфратузилмадан барча инсонлар бир хил тарзда фойдаланиши мақсад қилинади.

Мослашувчанлик тамойилида эса яратилаётган тизим ҳамма учун фойдаланишга қулай ва мос бўлиши керак. Масалан, темир йўл ва аэропорт терминаллари сенсорли экран, жисмоний тугмалар ва бир нечта тилларда ишлаш имконияти билан таъминланган бўлиши ҳамда маълумотлар аудио шаклда узатиб турилиши лозим.

Ахборотни сезиларли тақдим қилиш тамойилида асосий эътибор маълумотларни барча учун турли усулларда етказиб беришга қаратилади. Ижтимоий объектлар ёки кўп қаватли биноларнинг лифтларида ногиронлиги бўлган шахслар учун маълумотларнинг овозли хабарлар, Брайл ёзуви ва визуал дисплейлар орқали тақдим этилишини бундай ёндашувга мисол, дейиш мумкин.

Японлар шаҳарсозлик инфратузилмасининг барча учун мослашувчанлигига жиддий урғу берар экан, яна бир муҳим тамойил – **етарли ўлчам ва макон** масаласини ҳам назардан четда қолдиришмайди. Яъни, турли ҳаракатланиш воситалари учун етарлича жой ажратилиши, ногиронлик аравачасидан фойдаланадиган шахс учун махсус кенг йўлақлар ва кенг эшиклар бўлишига алоҳида эътибор қаратишади.

Натижада шаҳарсозликнинг бундай ижтимоий тамойиллар асосида лойиҳалаштирилиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил ҳаракатланиш имкониятини оширади, кексалар учун хавфсиз муҳит яратади, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг ҳам индивидуал шаклда туризм ва турли давлат хизматларидан фойдаланишини осонлаштиради, жамоат инфратузилмасидан фойдаланувчилар сони ортади ва, энг муҳими, **инклюзив жамият** шаклланишига эришилади.

Ҳар соҳада илғор бўлган **Швецияда** эса инклюзив шаҳарсозликка ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Барча давлат муассасаларига тўсиқсиз кириш талаби, пиёдалар йўлақларининг ногиронлар аравачаси учун мослаштирилгани, светофорларда овозли сигналлар ўрнатилгани, рақамли хизматларнинг инклюзивлик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги ушбу давлатда ижтимоий тенгликни таъминлашга қаратилган муҳим чоралар ҳисобланади. Бундай чоралар амалиётга татбиқ этилиши натижасида мамлакатда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ортиб, иқтисодий ўсиш кузатилган ҳамда барча учун давлат хизматларидан фойдаланишда тенг имкониятлар яратишга эришилган.

Сингапур бошқарув маъмурияти аҳолиси зич жойлашгани ҳисобиға ижтимоий хизматларнинг транспорт тармоғига алоҳида аҳамият қаратганини кўриш мумкин. Яъни, у ерда инклюзив транспорт инфратузилмасини янада яхшилаш ва фуқароларнинг кундалик ҳаёти учун тўсиқларсиз муҳит яратиш ҳукумат даражасидаги масаладир. Барча метро станцияларининг лифтлар билан жиҳозлангани, автобус бекатларида ногиронлик аравачасидаги фуқаролар фойдаланиши учун қулай платформалар яратилгани, шунингдек, давлат уй-жойларининг инклюзив дизайн асосида қурилиши мазкур мамлакатнинг ижтимоий

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ: ДУНЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН



сиёсатидаги асосий ёндашувлардан биридир.

Германия тажрибаси эса инклюзив инфратузилманинг **ҳуқуқий меъёрлар асосида** ривожлантирилгани билан аҳамиятли.

Хусусан, қурилиш стандартларида эркин кириш ва чиқиш нормаларига амал қилинишининг мажбурий эканлиги, темир йўл вокзалларида платформалар баланглигининг стандартлаштирилгани, давлат идоралари ва таълим муассасаларида тўсиқсиз муҳит яратилгани, шунингдек, муниципалитетлар учун **махсус грант дастурларининг** жорий этилганини кўриш мумкин. Бундай сиёсий ислохотлар натижасида мамлакат шаҳарлари ўртасидаги инклюзив инфратузилма ва ўзаро тенгликнинг ошиши ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллиги ортган.

“**БУГУН МАМЛАКАТДА ТОБОРА РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН РАҚАМЛИ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ҲАМ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ИНСОНЛАР ЭҲТИЁЖИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ ЗАРУР. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИГА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖАЛБ ЭТИЛМАСА, ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНИБ, ТИЗИМ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМАСА, УЛАРНИНГ ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ ТАРМОҚЛАРИ – ТАЪЛИМ, ТИББИЁТ, ИШ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ ИМОНИЯТЛАРИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИЛИШИ МУМКИН.**”

Хорижий тажрибаларни ўрганиш билан бирга, **юртимизда бу борада шароит қандай**, деган саволга ҳам таҳлилий фикрлар орқали жавоб топиш мақсадга мувофиқ.

Статистик маълумотлар бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг **2,7 фоизи ёхуд 1 млн 31 мингдан ортиқ** фуқарода турли даражада ногиронлик ҳолати борлигини кўрсатмоқда.

Рақамлар Ўзбекистонда инфратузилмани модернизация қилиш, бу борада, аввало, ҳуқуқий асосларни яратиб, инклюзив ислохотларни юқори даражага кўтариш лозимлигини англатади.

Хусусан, бундан 5 йил аввал Ўзбекистон БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни ратификация қилди, шунингдек, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун амалиётга татбиқ этилди. Давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг бундай фуқаролар олдидagi масъулияти ва жавобгарлиги оширилди.

Норматив-ҳуқуқий база яратилди,

мавжуд иқтисодий ресурслар йўналтирилди, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш бўйича махсус дастурлар ишга туширилди. Хўш, натижа қандай? Таҳлилларга ўтамиз.

Манбаларда келтирилишича, меҳнат ёшидаги ногиронлиги бўлган шахслар 755 минг нафардан ортиқ ва иш билан бандлик даражаси эса атиги 3,7 фоиз атрофида баҳоланган.

Муаммо фақат иш ўринлари етишмаслигида эмас, балки иш берувчиларнинг муносабати, бинолардан фойдаланишдаги ноқулайликлар, транспорт инфратузилмасининг тўлиқ мослаштирилмаганлиги ва рақамли хизматлардан фойдаланишнинг қийинлигида ҳам кўзга ташланади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароит яратиш мақсадида шаҳарларимиз инфратузилмаси бирмунча ислоҳ қилинди, пандуслар, лифтлар ва тактил йўлақлар кўпайтирилди. Аммо транспорт ва жамоат объектларидан мустақил фойдаланиш имконияти тўлиқ шакллантирилган, деб бўлмайти.

Масалан, кундалик ҳаётда аравачадан фойдаланадиган инсон учун мустақил тарзда тротуарга чиқиш, бекатга етиб бориш, йўл устидаги пиёдалар ўтиш йўлагига, автобусга чиқиш ва тушиш, метрода катнаш, охирда манзилга етиб



бориш, бинога кириш ва чиқиш бирмунча мушкул. Бу занжирнинг битта бўғини ишламаса ҳам ногиронлиги бўлган инсоннинг мустақил ҳаракатланиш имконияти йўқолади.

Шунингдек, бугун мамлакатда тобора ривожланиб бораётган рақамли хизматлар соҳаси ҳам ногиронлиги бўлган инсонлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилиниши зарур. Давлат хизматларини рақамлаштириш жараёнига ногиронлиги бўлган шахслар жалб этилмаса, таклиф ва тавсиялари инобатга олинб, тизим такомиллаштирилмаса, уларнинг инклюзив жамият тармоқлари – таълим, тиббиёт, иш ва давлат хизматларидан фойдаланишдаги имониятлари чеклаб қўйилиши мумкин. Бу муаммони бартараф этиш, айниқса, кўзи ожизлар, эшитишда нуқсонли борлар ва когнитив хусусиятларга эга фуқаролар учун муносиб шароит яратишда муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистонда инклюзив жамиятни ривожлантириш ва ногиронлиги бўлган шахслар учун реал ҳаётда муносиб шароит яратиш вазифаси фақат ижтимоий сиёсат эмас, балки иқтисодий самарадорлик,

инсон капитали ва шаҳарсозлик сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ стратегик йўналиш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан мутахассислар амалий ва таҳлилий таклифларни келтиришмоқда. Жумладан:

- инфратузилма стандартларини мажбурий тартибда текшириладиган тизимга тўлиқ ўтказиш;
- қурилишга рухсат бериш жараёнида “инклюзив экспертиза”ни алоҳида босқич сифатида жорий этиш;
- лифт, тактил йўлак, аудио маълумотлар узатиш учун аниқ техник регламент ишлаб чиқиш;
- инклюзиянинг энг сезиларли нуқтаси, яъни ҳаракатланиш эркинлигини тўлиқ таъминлаш мақсадида йирик шаҳарларда, хусусан, Тошкент шаҳрида реал вақтда назорат қилинадиган “инклюзив маршрут харитаси”ни яратиш ва шу асосда ногиронлар учун қулайликларни кенгайтириш;

– такси хизматларидан фойдаланиш бўйича қулайликларни янада ошириш мақсадида ногиронлар учун мос автомобиллар улушини мажбурий квота билан белгилаб қўйиш;

– ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат таълимини “мактабгача – ўрта – олий таълимда инклюзия” тамойили асосида тизимли такомиллаштириб бориш. Бунда таълимини инклюзив салоҳиятга эга кадрлар, хусусан, богча ва мактаблар учун махсус малакали – сурдо ва тифтопедагоглارни тайёрлашни ошириш;

– олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий тадқиқот олиб бораётган ногиронлиги бор талабалар учун тўйторлик ва ассистентлик хизматини йўлга қўйиш;

– реал ҳолат билан статистик рақамлар орасидаги турли тафовутларни бартараф этиш мақсадида ногиронлик турлари ва эҳтиёжлари бўйича миллий рақамли реестр юритиш ҳамда аниқ статистик маълумотларга эга бўлиш, мониторинг ва таҳлил қилиб бориш;

– республика шаҳар ва туманлари баҳоланадиган “**Инклюзивлик индекси**” рейтинг тизимини жорий этиш.

Инклюзив жамият барқарор тараққиётнинг асосий шарти ҳисобланади. Чунки жамият тараққиётининг ҳақиқий мезони иқтисодий кўрсаткичларнинг қай даражада юқори эканлиги билан эмас, балки унинг

имкониятлари ва ресурсларидан қимлар қандай фойдалана олаётгани билан баҳоланади.

Зеро, инклюзив жамият – ижтимоий сиёсатнинг муҳим ракурси ўларок, инсон қадри ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқаради. Унда ижтимоий ҳимоянинг анъанавий моделидан фарқли равишда ҳар бир шахснинг фаол иштирокини таъминлашга эътибор қаратилади.

Инклюзивликни таъминлаган

жамиятгина иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош, ижтимоий жиҳатдан барқарор ва маънавий жиҳатдан юксак тараққиётга эришиши мумкин. Шунинг учун ҳам инклюзив жамият қуриш йўлида ташланаётган қадамлар бугунги давлат ижтимоий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Албатта, бундай жамиятни ислоҳ қилиш **Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатларига мос** ва ғоялари билан ҳамохангдир.

Шохрух НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши шўъба мудир.

МУНОЗАРА МАЙДОНИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Автобус келади, лекин унга чиқиш имкони йўқ. Давлат идорасига боради, аммо эшик олдидаги зина унинг йўлини тўсади. Оддий одам бир неча дақиқада битирадиган иш ногиронлиги бўлган инсон учун бир неча соатлик оворагарчиликка айланади.

Ваҳоланки, қонунларда улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш, барча бинолар ва хизматларни ҳаммага бирдек мослаштириш бўйича аниқ талаблар бор. Муаммо унинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилмаётганида...

Шундан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши, инфратузилма ва хизматлардан эркин фойдаланишга тўсқинлик қилаётган муаммолар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги "Мунозара майдони"да очик муҳокама қилинди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти статистикасига кўра, бугунги кунда инсониятнинг тахминан 16 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Бу дунё аҳолисининг қарийб 1,3 миллиардини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этишини англатади. Демак, ҳар олтинчи инсонда ногиронликнинг у ёки бу даражаси бор.

Хўш, Ўзбекистондаги рақамлар қандай? Мамлакатимизда 1 031 009 нафар ногиронлиги бор инсонлар яшайди. Бу аҳолининг 2,7 фоизи дегани.

"Мунозарада майдони"да дастлаб соҳадаги мавжуд ҳолат рақамлар ва таҳлилий маълумотлар асосида кўриб чиқилди. Келтирилган статистик маълумотлар орқали амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда ҳал этилишини кутаётган муаммолар атрофлича таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, бундан 5 йил аввал Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди. Бу мамлакатда ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ислохотларда янги босқични бошлаб берди. Халқаро мажбуриятлар миллий қонунчиликка татбиқ этилди, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий кафолатлар янада мустаҳкамланди.

Шундан сўнг соҳага оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлари такомиллаштирилди, давлат органлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Энг муҳими, ногиронликка фақат ижтимоий ёрдам эмас, балки инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ёндашиш тамойили ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, иш билан таъминланиши, улар учун тўлиқ инклюзив муҳит яратилиши партиямиз учун принципиал аҳамиятга эга.

Бироқ рақамлар ва ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, қабул қилинган қонунлар ва белгиланган талабларнинг амалдаги ижроси ҳали ҳам етарли даражага етгани йўқ. Яъни ҳуқуқий асослар яратилган бўлса-да, уларнинг ҳаётда тўлиқ ишлаши, ҳар бир бинода, ҳар бир йўлакда, ҳар бир давлат хизматида ўз ифодасини топиши ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.



Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

- Бугун мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим қадамлар ташланмоқда. Бироқ партиямиз соҳада ҳали ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни ҳам кўриб турибди.

Тўсиқсиз муҳит ва инфратузилма масаласини олайлик. Биламизки, қурилишлар учун қўйилган талаблар бор. Энг кўп учрайдиган муаммолар пандуслар қанчалик даражада талабга жавоб бериши билан боғлиқ.

Бугун айрим биноларда пандуслар фақат ҳисобот

ТўСИҚСИЗ МУҲИТ

БАҲС ВА ТАКЛИФЛАР МАРКАЗИДА



учун қурилмоқда. Амалда эса улардан фойдаланишнинг имкони йўқ. Кўплаб бекатлар, ер ости ва ер усти ўтиш йўллари, савдо объеклари ва ижтимоий муассасалар ҳали ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун тўлиқ мослаштирилмаган. Шу боис партиямиз миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича стандарт қоидаларига тўлиқ мувофиқлаштириш тарафдори.

Тўсиқсиз муҳит масаласи фақат бинога пандус қуриш билан чекланмайди. Мактаб, шифохона, давлат идораси, транспорт, ижтимоий хизматлар ва рақамли платформалар ҳам барча учун бирдек қулай бўлиши керак.

Партиямиз кўзи ожиз ва эшитишида нуқсони бўлган фуқаролар учун темир йўл вокзаллари, аэропорт ва шохбекатларда электрон ахборот эшитиш мосламаларини, светофор ва махсус йўлакларда ногирон шахсларни оғоҳлантирувчи овозли электрон жихозларни жорий этиш тарафдори. Бу борада дастлабки натижалар бор, аммо ҳали изчил тизим яратилган эмас.

Депутатнинг айтишича, партиямиз ташаббуси ва Сайловолди дастурида белгилаб олинган вазифаларнинг ижроси натижасида олий таълим, айниқса, инклюзив таълимда кўп ишлар қилинди. Квоталар белгиланди, кўплаб ногиронлиги бўлган фуқаролар талабаликка қабул қилинди. Мактаб ва боғчаларда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Лекин қилиниши керак бўлган ишлар бор. Масалан, кўплаб таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларни қабул қилиш учун тайёр эмас. Инклюзив таълим фақат қонунларда эмас, ҳар бир мактаб ва университетда амалий воқеликка айланиши лозим. Шу боис, инклюзив таълимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инклюзив таълимга жалб этилган болалар қамрови оширилиши керак.

Муҳокамалар давомида ногиронлиги бўлган ёшларнинг таълимдан кейинги тақдирига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, кўплаб ёшлар ихтисослаштирилган мактабларни тамомлаганидан сўнг таълимни давом эттириш ёки муносиб иш топиш имконига эга бўлмаяпти. Натижада уларнинг аксарияти уйда қолиб кетмоқда, олган билим ва касбий кўникмалари эса амалда қўлланилмай қолмоқда.

Амалиётда иккинчи гуруҳ ногиронлиги бор инсонларнинг иш билан таъминланиш масаласи қонунчилик билан ҳимоя қилинган. Чунки иккинчи

гуруҳ ногиролиги бўлган фуқароларимиз ишга лаёқатли, бемалол ишлай олади. Лекин статистикага кўра, уларнинг бор-йўғи 7 фоизи иш билан таъминлангани қайд этилди. Демак, уларнинг қарийб 95 фоизи ишсиз.

Таҳлиллар давомида тизимли муаммолардан бири сифатида яқин йилларгача тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) хулосалари ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат бозорига олиб киришга эмас, аксинча, уларнинг имкониятларини чеклашга хизмат қилгани айтилди.

Хусусан, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга берилган хулосаларда "уй шароитида ишлаши мумкин" ёки шунга ўхшаш чекловчи қайдлар киритилган. Ваҳоланки, уларнинг аксарияти ишга лаёқатли. Аммо ТМЭК хулосалари ногиронлиги бўлган шахснинг очик меҳнат бозорида иш топиш имкониятларини камайтирган.



Азиз АБДУЛЛАЕВ, "Praxis plus" МЧЖ директори:

- Яқинда бир ҳолат юзага келди. Бу катта бир компанияга эшитишда нуқсони бўлган фуқароларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ эди. Иш берувчи бошида ТМЭКдан хулоса олиб келиниши кераклигини айтди. Аммо ҳозир ушбу ташкилот хулоса бермаётгани учун керакли ҳужжатни олиш имкони бўлмади. Чунки бу механизм бекор қилинган. Шунинг учун бундай хулосани поликлиникадан олдик ва иш берувчига тақдим қилдик.

Аммо ташкилот вакиллари бу борада "вазирнинг буйруғини кутишгаётганини" айтишди. Кейин билсак, бу ишга жойлашиш билан боғлиқ эмас, субсидиялар билан боғлиқ масалада экан. Хуллас, ҳар хил баҳоналар қилишди.

Очиғини айтганда, ҳалигача жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан "ишга лаёқатсиз" деган эски стереотиплар мавжуд. Бу эса иш берувчилар онгида ҳам қандайдир кўринмас қўрқув ва иккиланишларни келтириб чиқаради.

Аслида эса меҳнат қонунчилигига кўра, уларнинг иш шaroити бошқаларникидан деярли фарқ қилмайди. Фақат

айрим ҳолатларда иш вақтида белгиланган меъёрларга мувофиқ қисқартиришлар бўлиши мумкин, холос. Яъни асосий масала чеклов эмас, аксинча, мослаштирилган имкониятдир.

Бу борада алоҳида таъкидлаш жоизки, мавжуд муаммо бир-икки йилда ҳал бўлиб кетадиган масала эмас. Бу нафақат тизим, балки жамият онги билан боғлиқ масаладир. Яъни бу ерда ҳам иш берувчиларнинг, ҳам аҳолининг ногиронликка бўлган қарашини ўзгартириш зарур.

Чунки ҳақиқий инклюзив муҳит қонун билан эмас, аввало, инсонларнинг фикрлаш тарзи ва муносабати билан шаклланади.



Ойбек ИСОҚОВ, Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раиси:

- Тўсиқсиз муҳит бўлмаса, ногиронлиги бўлган шахслар ўз ҳуқуқларининг бирортасини амалга ошира олмайди. Масалан, дорихона, поликлиника, дўкон, музей, театр ва бошқа хизматлардан фойдалана олмайди. Имо-ишора таржимаси йўқлиги сабабли эшитишда нуқсони бор одам ўзига керакли форматда маълумотни ололмайди. Брайль алифбоси дарслиги йўқлиги учун кўзи ожизлар университетда ўқув дастурларини ўзлаштира олмайди.

Яқинда биз мониторинг қилдик. Айтайлик, инклюзив мактаб дейилган 4 қаватли мактабда лифт йўқ, бунини қандай қилиб инклюзив мактаб, дейиш мумкин?

Мактабнинг биринчи қаватида ногиронлиги бўлган болаларнинг синфлари жойлашган. "Мана бизнинг мактабимизда ногиронлиги бор болалар ўқишяпти" деб айтишмоқда. Лекин бир масала бор. Бундай шароитда мактабнинг бошқа ўқувчиларида табиий савол туғилади: нега буларни ажратиб қўйишди? Бу ногиронлиги бор болаларнинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилади.

Фуқаролар томонидан энг кўп кўтарилаётган муаммолардан бири — пандусларнинг қурилиш меъёрлари ва техник талабларга жавоб бермаслиги, амалда эса фойдаланиш учун ноқулай ёки умуман яроқсиз ҳолда қурилаётганидир.

Таҳлилларга кўра, бу

борада қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Масалан, кўплаб объектларда пандуслар мавжуд бўлса-да, уларнинг аксарияти ногиронлиги бўлган инсонлар учун қулай эмас. Айрим пандуслар меъёрдан ортиқ тик қурилгани сабабли аравачада ҳаракатланувчи инсон уни мустақил равишда босиб ўта олмайди. Баъзи жойларда эса пандус жуда тор, сирпанчиқ ёки ҳимоя тутқичларисиз қурилган. Натижада у ҳаракатни енгиллаштириш ўрнига, янада хавфли ҳолатни юзага келтиради.

"Мунозара майдони"да айнан шу муаммо танқидий руҳда муҳокама қилиниб, масъулларга мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда пандусларни белгиланган меъёрлар асосида қуриш ва қайта тазмирлаш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг соғлом тенгдошлари билан бирга инклюзив синфлар ва боғчаларда таълим олиши масаласи ҳам мунозаранинг энг фаол муҳокама қилинган мавзуларидан бирига айланди. Бу борада иштирокчиларнинг қарашлари турлича бўлиб, ҳар икки томон ўз фикрларини далиллар билан асослашга ҳаракат қилди.

Сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий ва институционал асослар сезиларли даражада такомиллаштирилди. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият ҳаётида тенг иштирокини таъминлашга қаратилган қатор қонунлар, дастурлар ва механизмлар амалиётга жорий этилди.

Бироқ муҳокамаларда таъкидланганидек, асосий масала қонунларни қабул қилишда эмас, балки уларнинг ҳаётда қай даражада ишлаётганидадир. Чунки инсон учун ҳуқуқнинг мавжудлиги эмас, унинг амалда таъминланиши муҳим. Агар пандусдан фойдаланиб бўлмаса, таълим ёки иш жойига кириш имконияти чекланган бўлса, қонунларда белгиланган кафолатлар ўзининг тўлиқ самарасини бермайди.

Қайд этилганидек, бу борадаги вазифаларнинг изчил ва самарали ҳал этилиши нафақат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати, мустақиллиги ва жамиятдаги фаоллигини оширади, балки ҳар бир инсон учун тенг имкониятлар яратилган, ҳеч ким четда қолмайдиган ҳақиқий инклюзив жамиятни барпо этишга хизмат қилади.

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.

“МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ: ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

АНЖУМАН



Аҳолига сифатли ва кафолатланган банк хизматларини кўрсатишга қаратилган рақамлаштириш ҳамда трансформация жараёнларини янада ривожлантириш “Микрокредитбанк” АТБ фаолиятининг устувор йўналишларидан бири. Хусусан, банк томонидан сунъий интеллектга асосланган “АІ ёрдамчиси” ишга туширилди. Мазкур чат-бот “Маврид” мобиль иловасининг онлайн чат қисмида ҳамда Телеграмда бот сифатида ишлайди. У орқали mijozlarга банк махсулотлари, кредит графиги бўйича тўловлар, банк реквизитлари ва банкоматлар манзиллари ҳақида батафсил ахборот ва маълумотлар бериб берилмоқда.

Бу ҳақида “Микрокредитбанк” АТБ томонидан ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида маълум қилинди. Тадбирда банк бошқарув аъзолари, тегишли департамент директорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Шу билан бирга, “Маврид” мобиль илова орқали таълим кредитини олиш ҳамда “АТТО” жамоат транспорти учун тўлов ва бир қатор қулайликлар йўлга қўйилган, — дейди “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Бошқарув раиси в.в.б. Икром Жуманиязов.

Банкимиз аҳолига бирламчи бозордан автомобиль харид қилиш учун фоизсиз

қулай автокредит махсулотларини, паст фоизда ипотека кредитларини таклиф этмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида молиявий кўникмаларни шакллантириш мақсадида август ойига қадар махсус акция — “Uzcard Kids” болалар карталарини мутлақо бепул расмийлаштириш имкониятини тақдим қилганмиз. Айни шу мақсад доирасида жорий йил якунига қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда Бухоро давлат техника университетида сунъий интеллект лабораториясини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Маълумот ўрнида яна шунни айтиш мумкинки, банкнинг расмий веб-сайти редизайн қилинди ва мазкур веб-сайт Ўзбекистонда биринчи қорақалпоқ тилидаги банк сайти бўлди. Веб-сайтнинг функционал имкониятлари кенгайтирилди, жумладан, ҳар бир mijoz учун алоҳида саҳифа, 200 дан ортиқ иллюстрациялар, энгил ва қулай мобиль версия ва банк махсулотларини таққослаш имконияти мавжуд.

Жисмоний шахсларга тезкор хизмат кўрсатиш учун “CRM” тизими янада такомиллаштирилди. “Кредит конвейер” модулида 10 та кредит махсулоти, яъни “Бизнесга биринчи қадам”, “Маҳалла бизнес”, “Менинг маҳаллам”, “Таълим”, микроқарз ва истеъмол кредитлари бўйича скоринг моделлари ишлаб чиқилди ҳамда бирламчи ипотека кредити, бирламчи субсидиялик ипотека ва бирламчи автокредит бўйича ярим автомат тарзда “CRM” тизимидан скоринг қарорини олиш

имкони яратилди.

“Маврид” мобиль иловасида яқинда жорий этилган “Jett” хизмати фойдаланувчиларга тўғридан-тўғри телефон орқали фонд бозорига кириш, онлайн брокерлик ҳисобини очиш ҳамда акциялар ва облигацияларни сотиб олишда ишончли кўмакчиدير.

Сўнгги янгиликлардан яна бири — “Микрокредитбанк” ва “Robocash” компанияси таъсисчилигида “UNA MOLIIYA” микромолия ташкилоти ташкил этилди. “Robocash”нинг катта тажрибасига асосланиб, микромолия ташкилотларининг 2025-2029 йиллар учун стратегик режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бугунги кунда, микроқарзларга аризалар қабул қилиш ва тўлиқ рақамли хизмат кўрсатиш “UNA MOLIIYA” расмий сайти (<https://unamoliya.uz/>) орқали амалга оширилмоқда.

Анжуманда банк стратегиясидаги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. “Микрокредитбанк” АТБни ривожлантиришнинг яқин 3 йилдаги (2026–2028) бош мақсади — аънавий банк тизимидан тўлиқ рақамли, mijozга йўналтирилган ва молиявий жиҳатдан ўта барқарор экотизимга айланиши учун 38 та йирик трансформацион лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлангани таъкидланди.

Ислоний банк хизматларини молиялаштиришни жорий этиш (бу лойиҳа 2027 йил якунига қадар bosqichma-bosqich тўлиқ амалиётга татбиқ қилинади), Collection (кредитларни ундириш) тизимини ташкил этиш шулар жумласидан. “CRM” ва кредит конвейери платформаси лойиҳаси орқали эса юридик mijozlarга кредит ажратиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш кўзда тутилмоқда.

Эътиборли жиҳати, трансформация жараёнлари нафақат банк ичида, балки халқаро майдонда ҳам ўз натижасини бермоқда. Ҳозирга қадар АҚШнинг “BNY Mellon”, Туркиянинг “Aktif Bank”, Германиянинг “ODDO BHF”, Хитойнинг “Xinjiang” ва “Bank of China” банкларида вакиллик ҳисобрақамлари очилди.

Халқаро агентликлар банкнинг барқарорлигини юқори баҳолашда давом этмоқда. “Fitch Ratings” агентлиги банк рейтингини BB “Jobiy” даражасига кўтарди. Шу билан бирга, банк “Moody's” агентлигининг Va3 “Jobiy” рейтинг кўрсаткичини ҳам барқарор сақлаб келмоқда.

Тадбир доирасида “Микрокредитбанк” ва “Ижод нашр” наشريёти ҳамкорлигида чоп этилган “Чиганоқ” лойиҳасининг 2-тўплами тақдимоти ўтказилди.

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ЖАҲОНДА СИЁСАТ

ИТАЛИЯ ВА ФРАНЦИЯ ЛИВАННИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ УЧУН ЯНГИ КОАЛИЦИЯ ТУЗАДИ



БМТнинг Ливандаги тинчликпарвар миссияси якунланмоқда. Италия ва Франция эса ушбу Яқин Шарқ давлатига кўмаклашиш мақсадида муҳим иттифоқ тузиб, минтақада янги давр учун замин яратмоқда.

БМТнинг Ливандаги Муваққат кучлари (UNIFIL) миссияси мuddати тугаши муносабати билан Италия ва Франция ушбу Яқин Шарқ давлатига кўмаклашиш мақсадида ўзаро иттифоқ тузишга келишиб олди. Бош вазир Жоржа Мелони Антиб шаҳрида ўтган икки томонлама саммит якунида Президент Эммануэль Макрон билан бирга ўтказган матбуот анжуманида шундай баёнот берди. Бу ҳақда “L'Orient Today” нашри хабар берди.

Мелони таъкидлашича, БМТ миссияси йил охирида тугайди. Шу боис икки давлат Ливанни қўллаб-қувватлаш ва кейинги давр учун аниқ режа ишлаб чиқиш мақсадида иттифоқ тузишга қарор қилган. Шунингдек, яқин орада ушбу араб мамлақати муаммоларига бағишланган халқаро конференция ташкил этилиши ҳам маълум қилинди. Илгари ҳам Ливанда фаол бўлгани сабабли, Италия ва Франциянинг ушбу халқаро миссияга етакчилик қилиши табиий ҳол экани таъкидланди. Бундан ташқари, янги тузилма Ливан ҳукумати ўз ҳудуди устидан тўлиқ назорат ўрнатишини таъминлаши зарурлиги ва бунинг учун UNIFIL тизимида бўлмаган янада аниқ ҳамда мустаҳкам мандат талаб этилиши зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

UNIFIL тинчликпарвар кучлари 1978 йил Исроил қўшини Ливанга бостириб кириши ортидан БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши томонидан тузилган. Айни пайт гуруҳ таркибида 47 давлатдан 8200 га яқин ҳарбий ва фуқаро ходим хизмат қилмоқда.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАГИ РУМИНИЯ КОНСУЛЛИГИ ЁПИЛАДИ



Россия Руминиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги консуллигини ёпишга қарор қилди. Шунингдек, мазкур дипломатик ваколатхонада фаолият юритган консул вазифасини бажарувчи Лауренциу Константиனு “non grat” шахс, деб баҳоланди.

РФ Ташқи ишлар вазирлиги маълумотига кўра, ушбу қарор Бухарестнинг Констанца шаҳридаги Россия Бош консулхонаси фаолияти тўхтатилишига нисбатан жавоб чораси сифатида қабул қилинган.

Аввалроқ Руминия Президенти Никусор Дан Констанцадаги РФ Бош консулхонасини ёпиш ҳамда муассаса раҳбарини “persona non grata” дея эълон қилиш тўғрисида қарор чиқарган эди.

Ушбу мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги эса Москва томонидан қабул қилинган сўнгги қарорни қутилган қадам ўлароқ ифодалаган.

Манба: ЎЗА

ЭЪЛОН

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши:

- 20*20 см ҳажмда 100 дона қалин муқовада, 1000 дона юпка муқовада партиянинг ривожланиш bosqichларини ўзида мужассам қилган “Ғоядан ҳаракатга — ҳаракатдан натижага: 35 йиллик сиёсий таъриба” китобини;

- 12*12 см ҳажмда 1100 дона откритка;

- 5000 дона фахрий ёрлиқ тайёрлатиш ва чоп этиш бўйича танлов эълон қилади. Тижорат таклифлари 2026 йил 15 июль кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар қўшимча маълумотларни (71) 239-19-73 телефон рақами орқали олишлари мумкин.

МУТОЛАА БЕКАТИ



ДИЛ ТУБИГА ЧЎККАН ЛАҲЗАЛАР

(ХОТИРА ДАФТАРИДАН ПАРЧАЛАР)



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

МЕН АЙТИБ ТУРАЙ, СЕН ЁЗ!

1960 йили мен эндигина университетни битириб, ёшлар наشريётида иш бошлаган эдим. Торгина хонада тўрт киши ўтирардик: уч муҳаррир ва мен — кичик муҳаррир. Бир кунни хонамизга орден таққан кекса бир одам қилиб келди ва салом-алиқдан сўнг:

— Менга шоир керак, ичингизда ким шоир? — деб сўради. Нашриётнинг энг катта шоири Қудрат Ҳикмат эди. Лекин у кишининг чоллар билан сўхбат қуришга тоби йўқ эди шекилли, меҳмонга пойгақда ўтирган мени кўрсатиб, ана шоир, деди ва ўзи ўтирган стулнин қарияга бўшатиб ташқарига чиқди. Қолганлар ҳам бирин-сирин чекиш баҳонасида хонани тарк этдилар. Қария стулга бафуржа чўкиб, муддаони баён қилди:

— Гап бундай, ўғлим, ёшим етмишдан ошди, урушни кўрдим, Фарғона каналида ишладим, колхоз кўрилишида қатнашдим. Кўрган-кечирганларим ўзим билан кетмасин, мен айтиб турай, сен ёз. Айтаберсам, катта рўмон бўлади.

Ёши улўғ, муҳтарам меҳмонга қандай баҳона қилишни билмай турган эдим, “рўмон” сўзи жонимга оро кирди.

— Мен рўмон ёзмайман, — дедим афсус

оҳангида — фақат шеър ёзаман.

— Барибир эмасми, — дея эътироз қилди меҳмон. — Биз китоб ёздагиларнинг ҳаммасини “шоир” деймиз.

Хуллас, ўша кунни орденли қарияни хурсанд қилолмадим. Минг уэр ва баҳоналар айтиб кузатдим. Чолнинг гамгин чехраси кўз ўнгимдан кетмайди. Мана, бугун замонлар ўтиб ўзим дунёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўргач, ўша қариянинг эҳтиёжини сезиб турибман. Бирор қаламқашга, мен айтиб турай, сен ёз, дегим келади-ю, аммо мен қалбдан кечирган туйғуларни ким ўзимдек баён қилолади?

Инсон умрида кўрган-кечирганларини ёзиб чиқса, яна битта умр керак бўлади. Уйласам, ўтган фурсат оқиб кетган қум экан. Ботмонлаб қумдан мисқоллаб олтин олинганидек, ҳаётинг мазмуни бўлган, сени инсон қилиб шакллантирган, дил тубига чўккан олтин лаҳзалар бўлар экан. Бундоқ бойликни фарзандларга мерос қилиб қолдирса арзийди. Яхши ният билан қўлга қалам олдим. Кўрганларим сиз, ёшларга ибрат бўлсин, мен қоқилган тошларга сиз қоқилманг, дейман. Биз бош урган баланд деворларни, биз тўрт бўкилиб кирган паст эшикларни сиз кўрманг. Ўзга олам, ўзга даврон, озод ва обод Ватан сизники. Йўлингиз ойдин бўлсин.

КЎМИЛГАН ТРАКТОРЛАР

Ўттиз еттинчи йилнинг “қама-қама”сида кунлардан бир кун Олтиариқ тумани прокурорига махфий конверт келади. Конверт ичида судья Карим Сахибоевни

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Olim RAYSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV